

БАШОРАТ ОМОНОВА

ҚИСМАТ ТАРОЗУСИ

The background of the cover is a deep red color. It features several decorative elements: a large, dark brown, wavy shape that resembles a stylized eye or a scroll, positioned on the right side. Overlaid on this and the background are several thin, flowing lines in white and gold. Scattered throughout are numerous glowing, golden spheres of varying sizes, some with bright starburst effects, giving the design a magical or ethereal feel.

БАШОРАТ ОМОНОВА

ҚИСМАТ ТАРОЗУСИ

Қисса ва ҳикоялар

ТОШКЕНТ
«Mumtoz so'z» нашриёти
2015

УЎК: 821.512.133-1-532

КБК: 84(5У)6

О-50

Омонова, Башорат

О-50 **Қисмат тарозуси: ҳикоялар**/Мухаррир Н.Жураев.

Тошкент: «Mumtoz so'z» 2015. – 112 б.

Истеъдодли адиба Башорат Омонова узининг ҳаётин, лирик-фалсафий асарлари билан китобхонларга яхши таниш. Унинг бу галги тўпламига турли йилларда ёзилган қисса ва ҳикоялари жамланган.

Бу асарлар Сизнинг кунглингизга йўл топишига шон-намуз.

ISBN

УЎК: 821.512.133-1-532

КБК: 84(5У)6

ISBN 978-9943-398-95-5

© «Mumtoz so'z», 2015

© Б. Омонова, 2015



Қиссалар

ҚИСМАТ ТАРОЗУСИ

Табиат бу йигитни жуда севиб яратган эди. Баланд бўйи келишган, ихчам гавдасига мос тушган бўлиб, бугдойранг юзлари, ҳаминша ишонч ва босиқлик билан боқувчи кўзлари ажиб бир уйғунликда эди. Бироқ шафқатсиз тақдир уни бахтсизликлардан асраб қололмади. Ёшлигидан отасиз, ёлғиз онаси билан яшаётган Ибрат учун Афғонистон ва Туркияда истиқомат қилиб қолган тоғалари суянч бўлиб турардилар. Улар асосан савдо ва тадбиркорлик ишлари билан шуғулланар, баъзан Ибратни ҳам мактаб таътили вақтларида уч ойга ўзларига чақириб олардилар. Улар таъсиридами бола ўз ҳаётини ёшлигиданок гўзал ва хашамадли орзулар ҳамроҳлигида бошлади. Гарчи ҳаёлий бўлсаям.

У қишлоғидан ўн олти ёшида чиқиб кетган бўлса, йигирма йил деганда қайтиш nasib қилди. Бу йилларида у ўтказган воқеалар нечоғли аянчли бўлса-да, бу ерда эшитганлари ундан-да баттар қайғули эди.

Ибрат ўзига таниш, ҳали-ҳамон ўзгармаган ғарибгина эпикни тақиллатди ва қутмасданоқ очиб ичкарига интилди. Сандал ёнида ўта кексайиб қолган муйсафид ўтирарди.

Қария қадам товушидан сергакланиб суради: – Ким? Ким у?

Ибрат соғинч билан унга талпинаркан, “Ҳикмат ота, ассалому алайкум, мен Ибратман”, деди ҳаяжон билан.



Қариянинг кўзлари деярли ўтмай колганди: – Ким у Ибраг?

Ибраг унинг ёнига тиз чўкканча деди: – Отажон, бир вақтлар сизнинг кўшнингиз, Гуландон аянинг ўғли.

Қария сергакланиб: – Гуландон! Унинг ўғли! Ибраг!.. Сен тирикмидинг? – деди.

– Отажон, эсладингиз-а, мени унутмагансиз-а, айтинг, айтинг, отажон.

– Сени ўлган деб ўйловдик-а, эсиз. Онангни юраги сезган экан-да, охири нафасигача, болам тирик, дерди-я, шўрлик.

– Онам ўлдиларми, ота?

– Олти йил бўлди унинг бу фоний дунёдан кўз юмганига, охирати обод бўлсин ишқилиб, кўп армон билан кетди-да (қўли билан пайпасланиб). Кел, болам. Бағримга босай. Онанг учун ҳам бир кучоқлай, болам, қаерларда эдинг, ахир?

– Отажон, мен нималар қилиб қўйдим?

– Юр, кеч тушмаси унинг қабрига олиб борай сени. Кўзларим яхши ўтмайди, болам, етаклаб оласан-да.

Улар қабр бошига келдилар. Ибраг тиз чўкиб тупроқни кучди.

– Нима қилиб қўйдим, онажон, мен нимада хаго қилдим?..

Қария чуқур хўрсинди.

– Ҳа-а, сен тенгқурларинг орасида жуда эрта балоғатга етган, рўзғор ташвишларини эрта буйнига олган, онасига меҳрибон, аклли бола эдинг, болам, буни ҳаммамиз билиб турардик, сен қаторилар мактаб тугаб каникул бошлангач тўп тепиб, сойда чўмилиб ўйнашни бошласалар, сен эса ишлашга жўнаб кетардинг, сал бўлса-да пул топиш илинжида бир дам тинмасдинг. Бахтга шошиб интилганинг хатоми бу, ахир, болам. Шу сабаб сени каггаю кичик яхши кўрардик, тенгдошларингга намуна қилиб кўрсатардик. Ёзда тоғангникига



кетгач, у ёкда уруш бошланди деб эшитдик, кейин сендан ҳам дарак бўлмади, хайрият, омон экансан, бунинг ўзи катта давлат, гапирма, уғлим, уринма, сени тушуниб турибман. Бошқа болалар қатори тўп тепиб юрганнингда бу балоларга гирифтор бўлмасдинг, ақллилигинг бошингга тапвишлар солди, болам. Буни онанг ҳам яхши тушунар, сен билан фахрланарди. Энди у орзу қилгандай яшашни бошла, унга муносиб бўл, рухингни бардам тут. Эсингда бўлсин, биз ҳаммамиз буюк Яраг-гувчимизга қайтгувчимиз. Кимдир эрта, кимдир кейин. Гап бизнинг қанча яшашимизда эмас, асосийси, унинг даргоҳига еруғ юз билан қайтишимиздадир. Ҳа, ҳамма гап шунда, болам. Энди эса, тур уйга қайтамиз, болам. Онангни охириги кунигача Хатира ювиб-гаради. Сендан келган хатларни ёлғондан ўзи ёзиб ўкиб турди, ўз қизидан ортиқрок ҳамлард бўлди унга, ёлғизлатиб қўйганимиз йўқ. Тоғ халки олатини яхши биласан-ку. Энди эса кетдик.

Йулда Ибрат секин Хатирани суради: – Ога, Хатира, ҳалиги... Хатира турмушга чикиб кетдимми?

– Оҳ, қолқийди шундай бўлса...

Хатира ҳақидаги хабар ҳам ута қайгули эди.

– Э, болам, нимасини айтасан, – уф тортди қария, – Хатиранинг, бечора боламнинг бошига катта кулфат тушди.

Қариянинг изтиробли ҳикоясидан маълум бўлишича, бир куни тонгда Хатира қараса Ибрат онасининг уйи деразасидан қуюқ, қоп-қора тутун ўрлармиш. Жон ҳолатда югурган қиз эшикни очиши билан шамол таъсирида қуюқ тутундан лоп этиб олов чиққан ва бутун уйни қоплаган. Ичкарида хириллаган кампир қолганини кўрган қиз бечора ўзини уйга урган, бир амаллаб кампирни судраб ташқарига олиб чиққан-у, ўзи ҳам ҳушидан кетган. Қўни-қўшнилар ёрдамга чопишган ва қўлдан келганча кўмаклашган. Аллакимлар оловни

ўчирган, кимдир дўхтир топган. Бирок, энг ачинарлиси, деди у, бечора қизнинг айнан юзлари куйиб кетган. Бундан жуда хунук яра излари колган. Шунинг учун ҳам қиз ҳамиша юзини рўмол билан бекитиб юради. Қошқузлари яна ўсиб олдингидай гўзал ва кўркам бўлади, бироқ юзлари...

Чол бошқа гапира олмади, тоғ чўққиларига бокқан кўйи котиб колди. У шу ҳолатда ўша мудҳиш воқеани худди кўз олдида ҳозир ҳам гавдалантираётган мисол нотавон ва ғариб алфозда эди. У шу кўйи Ибратнинг сафари нега бунча чўзилганига ҳам қизикмади. Йигит ҳам савдо юзасидан икки бой одамнинг ҳамроҳлигида Афғонистонга ўтгани, улар дўконида хизмат қилгани, дўкон эгаларидан бирисининг тўсатдан вафот қилгани. унинг аламзада қариндошлари туҳмати туфайли олги йил қамалиб кетгани, сўнгра у ердан қочишга муваффақ бўлиб Туркистон ва Туркияга кетганини тушунтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Буни ҳеч кимга қизиги ҳам йўқ. Ватанига куруқ қўл билан қайтишни хоҳламай, у ерда бойиш учун ўтказган кунлари ҳақида гапирмаям кўя колди. Факат яхши, оқибатли оламлар туфайли йўл топиб яхши тадбиркор бўлгани, ҳозирда Туркияда телевизор ишлаб чиқарувчи кагта корхонаси ва агторлик дўкони борлигини айтди, холос.

Шундан сўнг чол уни онасининг кабрига олиб борди. Мунгайиб гурган қабр қошида Ибрат узок колди. Ўз фарзандлик бурчини бажара олмаган, факат ўзигагина аён бўлган гакдир сўқмоқларида унинг ҳаётлигида бахтли қилишга улгура олмаган лахзалар армони билан узок ўтириб колди.

Шундан сўнг Ибрат ўз режасига кўра шаҳарда қилган биринчи иши электр билан ишлайдиган жиҳозлар ишлаб чиқарадиган корхонани сотиб олиш бўлди. Хорижда

ҳам худди шундай қорхонага эга тажрибали ва ўта билимли бу йигит учун ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида турдош қорхона айти муддао эди. Барча керакли хужжатларни имзолаш ҳам унинг учун қийин кечмади.

Мустиқлик уфуриб барча жабуҳаларда бозор иқтисодиёти кенг демократлашаётган, кичик бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликка катга йўл берилаётган эди. Шунинг учун ўз Ватанида яхши ниётлар билан иш бошлашни мутасадди инсонлар қўллаб-қувватладилар. Уларнинг ёрдами ва эътибори, хайрихоҳлиги қалбини жуда тўлқинлантириб юборди ва бундан ҳайрағда ҳам эди. Чунки, у чет элда эканлигида бундай ишлар бошлаш анча зиддиятли эканлигини эшитиб жуда иккиланиб ва бироз ҳадик билан барча иштакларини жиловлаб турганди. Бариси ёлғон экан. Изланган ва ҳаракатдаги инсон учун бу жой чексиз имкониятлар макони эканини тушуниб етди. Иқтидор, билим, меҳнатсеварлик, маблағ ва қизиқиш бўлса, шунинг ўзи етарли эди.

Савдо ва бизнесда анча тажрибага эга Ибрат ўз ишини қисқа вақт ичида йўлга қўйишга интилди ва ҳар галгидек буни удралади ҳам. Лекин бир сония ҳам Хагиранни унута олмасди. Фикру зикри уни қидириб топишда эди. Умид ва ишончгина унинг ҳаётдан буткул совиб бораётган қалбига таскин бериб турарди. Кучли бир адвокат ёрдамига муҳтож йигит изқувар суриштириб шундай одамни топишга муваффақ бўлди. Бу борада яна Аббос Валининг маслаҳати кўл келди. Бу йигит 30-35 ёшлар атрофидаги баланд бўйли, кирра бурун ва малла соч йигит эди. У ўз ишига уста ва асгойдил киришадиганлар хилидан эди. Буни Ибрат бир кўришдаёқ хис қилиб кўнгли тўлғандик бўлди. Бироқ ҳамиша кўнгли тубидаги оғир бир шубҳадан озорда эди. “Уни топа олармикинман?..”

Шу мақсадда танишлардан суриштириб махфий давраларда энг кучли деб тан олинган бир изқувар тонди.



У билан иш кабинетида учрашдилар. Уни умид ва илтижоли нигоҳи билан кутиб оларкан, Ибрат астойдил гапирди:

– Салом, адвокат, сиз билан ганишганимдан хурсандман ва бошляяжак ишимиз муваффақиятидан умидворман.

– Салом, Ибрат Сафо, – адвокат уни хорижлик деб билар ва мумкин қадар унга расмий сўзлар билан муурожаат қилишни маъқул қулар экан, сабрсиз бир ифода қўзларига қалқиб чиқди. «Бу жаноб қандай юмушни менинг зиммамга юклар экан, буни удалай билармикинман».

– Яқинда юргимизда иш бошлаган булсангиз-да, сиз ҳақингизда илик тасаввурларга эга эканлигимни яширмайман.

Ибрат унинг бу жавобидан биров мамнун, бироқ ўзи ҳақида аллақачон бир қадар билиб улгурган бу одамга қизиқсиниб қаради. Унинг бу қизиқишини сезган адвокат сўзларини давом эттирди.

– Даврий газетада ўтган ҳафта чоп этилган «Ҳамкорлик уфқлари» мақоласини ўқиб чиқдим. Унда хорижлик ишбилармонларнинг юргимизда гадбиркорлик борасида икки томонлама манфаатли қўшма корхоналар очишаётгани ва бу борадаги тафсилотлар тўғрисида кенг ёритиб берилган. Қизиги шундаки, унда сизнинг иш фаолиятингиз ҳақида кўпроқ тўхталишган. Адашмасам, сиз янги электр жиҳозлар ишлаб чиқариш заводини ишга тушириш лойиҳаси бўйича иш олиб бораётган экансиз.

Ибрат унга синиқ ва маъюс тикиларкан деди:

– Мени кечиринг, адвокат, мен ҳақимдаги яхши таассуротларингиз учун раҳмаг. Лекин сиз биров адашдингиз. Мен хорижда эмас, шу заминда, тоғда туғилиб ўсганман. Сиздан яшириб нима қилдим. Ахир дилимни ўртаб келган дардни очиш имкониятларида ҳаммасини айтишим керак, сиздан кўмак сўраб турибман ахир.

– Қулоғим сизда, Ибрат жаноблари, менга бемалол ишонишингиз мумкин.

– Раҳмат сизга, хали айтганимдек, биз тоғда яшардик, тоғаларим кандахорлик, улар савдо ишлари ва дукондорлик билан шуғулланардилар. Мен эса ёзда ун олти ёшимда бироз ишлаб пул топиб келиш мақсадида улар ёнига бордим-у, тақдир тақозоси билан у ёқда йигирма йил қолиб кетдим. Бу айтишгагина осон. Ёлғиз онам ортимда қолган бўлиб, Хатира исмли қўшни қиз, яъни менинг синфдошим унга қараган. Унинг ота-онаси тоғда зилзила пайти қўчки тагида қолиб вафот этишган экан. Тоғ одамларининг накадар одамийлик борасидаги фазилатларини ҳамма билади. Шу сабабли уни ҳеч ким ёлғизлатиб қўймасликка интилган, қўшнимиз Зулфизар хола фарзандсиз экан, уни асраб олган. Қизнинг исми асли Захро бўлса-да, ёш кетган ота-онаси хотираси учун уни кишлоқдагилар Хатира деб атаганлар. У ўша пайти, онамнинг айтишича, бир яшар гудак бўлган. Хорижда бошимдан не кунлар ўтганлигини айтиб ўгирмайман, – Ибрат қўзларини олис бир нуқтага тикканча қўнгли тула дардли овозда давом этди. – Хусан исмли бир ҳамюртимиздан онам учун пуллар, совға-саломлар, хатлар бериб юборар эдим. У эса хат жавобини олиб келар эди. Бундан таскин топиб юртимга жуда катта бойлик ва обрў билан келиш орзуси қалбимни буткул эгаллаб олди. Бироқ маълум бўлишича, бундан олти йил бурун онам оламдан ўтган экан. Унинг номидан келган хабарлар ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Хатира эса қўшнимиз, кекса чолнинг айтишича, дараксиз кетиб қолган. Онам вафотидан сўнг икки-уч йил кишлоқда яшаган, сўнг қийинчиликлар туфайли шаҳарда ишлайман деб кетиб қолган. Ана шунақа гап, адвокат. Мен уни топишим керак, ҳа айтганча, эсимдан чиқибди, унинг алоҳида белгилари бор. Бир кун онам ухлаб қолганда танча агрофидаги кўрпачага чўғлар тушган ва уй димикиб тутаган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4282> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4282> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4282>